

ВОҲА АҲОЛИСИ ИЖТИМОИЙ МАДАНИЙ ҲАЁТИДА ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРГАН МАШҲУР ХАЛФАЛАР

Гузал Раззакова

Чирчиқ давлат педагогика университети ўқитувчиси
т.ф.ф.д (PhD), доцент в.б. **Ш.Б. Жумаева** тақризи асосида

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада қадимда яшаб ўтган халфаларнинг турли халқлар маданияти ва санъати ҳақида ҳамда уларнинг фарқи ва шакллари ҳақида маълумот беради. Халфачилик санъати турлари ва уларнинг ижоди, усуллари ҳақида, улар қўллайдиган мусиқа асбоблари ҳақида фикр билдиради. Анъанавий Маданиятнинг Феномени. Ўзбек халқ эпоси. Халфачилик ҳам ўзининг мазмун-моҳияти ва ифодаси усулига кўра синкретик санъатдир.

Калит сўзлар – халфа, халфачилик санъати, яқка халфалар, ансамбли халфалар, қўл соз.

ABSTRACT

This article provides information about the culture and art of different peoples of the ancient Khalfa and their differences and forms. He gives an opinion about the types of art of khalfachik and their creativity, methods, and the musical instruments they use. A phenomenon of traditional culture. The epic of the Uzbek people. Khalfachilik is also a syncretic art according to its content, essence and method of expression.

Keywords: khalfa, art of khalfa, individual khalfa, ensemble khalfa, hand music.

КИРИШ

Бугунги кунда ўзбек халқининг қадимий тарихи ва бой маданий меросини тиклаш ҳамда уни дунё жамоатчилигига етказиш борасида кўплаб амалий ишлар бажарилмоқда. Бунда мамлакатимизнинг бошқа тарихий-этнографик минтақалари қаторида Хоразмнинг ҳам ўзига хос ўрни бўлиб, воҳа ўзбек халқининг қадимий тарихи, бетакрор маданияти билан машҳур бўлган “этнографик кўрикхона”дир.

Ўзбекистон этнологиясида ўтмиш тарих ва замонавий анъаналарни ўзида мужассамлаштирган Хоразм воҳаси халфачилигини халқ мероси объекти ва анъанавий



маданиятнинг феномени тарзида тадқиқ қилиш, улар тўғрисида батафсил маълумотларга эга бўлиш ҳозирда долзарб аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон маънавий маданият тарихини миллий анъанавий қўшиқчилик санъати мисолида ўрганиш ҳам муҳим. Зеро, ҳар қандай маданиятни мусиқасиз, ижрочилик санъатисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан ўзбек қўшиқчилиги, хусусан, Хоразм санъати тарихида муҳим роль ўйнаган халфачилик анъанаси тарихини ўрганиш илмий жиҳатдан долзарб масаладир.

Ўзбек халқ оғзаки бадиий ижоди ниҳоятда бой бўлиб, жанр таркиби жиҳатидан ранг-барангдир. Шу сабабли, унинг ижодкорлари ва ижрочилари ҳам турли номлар билан аталадилар: бахши, шоир, жиров, оқин, санновчи, соқи, созанда, созчи, халфа ва бошқалар. Бундай номлаш турли ҳудудлардаги тарихий-бадиий анъаналар, халқ ижодкорларининг ўзига хос хусусиятлари ва бошқа локал маънавий-эстетик омиллар билан изоҳланади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Хоразм воҳаси ана шундай ўзига хос этнофольклор ареаллардан биридир. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов ҳақли равишда эътироф этганидек: “Хоразм воҳаси нафақат ўзининг дostonчи, лапарчи, қўшиқчи, қизикчи, ўйинчи-масхарабоз ва қўғирчоқбозлари, шу билан бирга мамлакатимизнинг бошқа ўлкаларида деярли учрамайдиган халфачилик санъати намоёндалари билан ҳам машҳур. Хоразм элининг гўзал бир фазилати мавжуд, бу ҳам бўлса уларнинг санъатга бўлган улкан муҳаббатидир. Ватан гўзаллиги ва юксак инсоний туйғуларни авж пардаларда куйлаб келган Комилжон Отаниёзовдек буюк ҳофизлар, халфа-бахшилар ижоди халқимиз маданиятининг олтин саҳифаларини ташкил этади”.

Ушбу ҳудудда асрлар давомида шаклланган халқ бадиий ижодкорлиги ўз моҳиятига кўра, умумўзбек фольклори анъаналари билан муштарак жиҳатларга эга бўлиб, мазкур ҳолат ундаги локал хусусиятларнинг мавжудлигига монелик қилмайди. Шундай ўзига хос хусусиятлардан бири халфачилик анъаналарининг мавжудлигида яққол намоён бўлади. Халқ ижодининг йирик билимдонлари буни тўғри қайд қилганларидек, “ўзбек халқ эпоси бахшилар билан бир қаторда хотин-қиз ижрочиларини ҳам яхши билади. Ҳозирги вақтда улар фақат Хоразмдагина мавжуд бўлиб, “халфа” номи билан аталади.

Узоқ даврлардан буён Хоразмдаги сайил, тўй ва мотам маросимларида хотин қизлар давраси халфаларсиз ўтмайди. Хоразмда аёл қўшиқчилар “халфа” деб юритилса ҳам улар фақат ашула айтиш билан чекланмаган, аксинча, улар санъатнинг бошқа



турларидан ҳам хабардор бўлганлар.

Табиийки, халфачилик ўзининг бетакрор ва қадимий маданияти, беадад улкан маънавий қадриятлари билан шухрат қозонган Хоразм воҳасидагина сақланиб келаётгани тасодиф эмас. Аввало, бу ҳолат ушбу ҳудудда асрлар оша шаклланган урф-одатлар, турмуш тарзи, адабий-бадиий анъанаалар, маданий-маънавий ворислик, ҳудудий ижод ва ижро санъати каби соҳалардаги ўзига ҳосликлар билан изоҳланади. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Хоразмда қадимдан хотин-қизлар мусиқа ижрочилиги ва оғзаки сўз санъатига кўпроқ эътибор қаратилган.

Зеро, халфачилик ҳам ўзининг мазмун-моҳияти ва ифодаси усулига кўра синкретик санъатдир. Унинг асосида ижод ва ижро уйғунлиги ётади. Ижрочилик ва ижодкорлик халфалар фаолиятининг икки устувор қирраси бўлиб, қолган барча санъат унсурлари: куй, рақс, ҳаракат, мусиқа асбоблари ва бошқалар анъанаавий ижрочиликнинг анъанавий ижодкорлик билан табиий уйғунлашувини таъминлайди. Тўғри, ушбу хусусият халқ ижодкорлигининг бахшилик анъанасида ҳам мавжуд. Лекин халфачилик анъанаси фақат хотин-қизларга хос ижрочилик типи эканлиги ва улар репертуаридаги асарларнинг турли-туманлиги ҳамда энг қадимги маросимлар билан алоқадорлиги билан бахшичилик ҳамда дostonчиликдан фарқланади.

НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМА

Воҳада кўп ҳолатларда халфалар учта-учта бўлиб, ўзлари ижодий гуруҳ тузганлар. Гуруҳдагиларнинг бири мусиқа чалса, бири рақс тушган, бири эса кўшиқ куйлаган. Хоразм вилояти Хонқа туманида яшаган Шарифа халфа Қозоқованинг берган маълумотларига қараганда: “Хоразмда инқилобдан илгарги вақтларда, тўй-маъракаларда халфалар хотин-қизлар ўтирадиган хонанинг тўрида уларга қарама-қарши ўтириб, кун ботгандан бошлаб тонггача бири кўйиб, бири олиб, Хоразм ғазаллари ва халқ дostonларидан бирининг айтганига иккинчиси жавоб бўладиган кўшиқлар ижро этишган. Баъзан улар маъракаларнинг характериға қараб ўзлари кўшиқ тўкиб ҳам айтишган”. Бу халфачилик анъанасининг ўзига хос хусусияти бўлиб, халфалардан етарлича маҳорат ва қобилиятлилик даражасини кўрсатган.

Бизга маълумки, Хивадаги Ичан қалъа мажмуасида 2016 йил 3 июнда “Халфачилик: анъана ва замонавийлик жиҳатлари” мавзусида илмий-амалий анжуман ҳамда халфа кўшиқлари ижрочиларининг биринчи республика кўрик-танлови бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Халқ



ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий- методик маркази ташаббуси билан “Олтин мерос” халқаро хайрия жамғармаси, “Тасвирий ойина” ижодий уюшмаси, Хоразм вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирлар эса ёш авлодни ватанпарварлик ва миллий кадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг дунёқараши ва тафаккурини юксалтиришда номоддий маданий мерос намуналаридан кенг фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилаётганлигидан далолат беради. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги “2010–2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори бой маънавий меросимизни кенг ўрганиш ва тарғиб қилишда муҳим ҳукукий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Анжуманда пойтахтимиз ва юртимизнинг турли вилоятларидан келган олимлар, ёш тадқиқотчилар, мутахассислар иштирок этди.

Зеро, халқимиз азалдан тинчлик-осойишталикни, дўстлик ва ҳамжиҳатликни юксак қадрлаб келган. Аждодларимиздан мерос қолган урф-одатлар, байрам ва маросимлар, куй-қўшиқларда ҳам халқимизга хос юксак фазилятлар яққол намоён бўлади.

“Хоразм халфачилик санъати ўзлигимизни намоён қилувчи кадриятларимиздан биридир” - дейди Хоразм вилояти Маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи Шоқир Мадаминов. Ушбу йўналиш Хоразм қўшиқчилиқ санъатида алоҳида ўрин тутиб, халфалар эпик асарлар, терма ва лапарларни ўзига хос усулда куйлаб келган. Қўшиқчилиқнинг ушбу йўналиши асосан аёллар орасида кенг тарқалган ва мазкур йўналишда қўшиқ айтадиганлар “халфа” деб аталган. Ушбу этноним турли даврларда турли шаклларга эга бўлиб, унинг луғавий маъноси “қуйловчи”, “етакчи” маъноларини англатган.

Халфачилиқ санъати уч турга бўлинади: ижодкор шоира халфалар, ансамблли халфалар ва китобий яққа халфалар. Биринчи тоифадаги халфалар халқ дostonлари ва ўзлари ёзган шеърларга куй басталаб, ижро этади. Ансамблли халфалар жамоаси кўпинча уч кишидан иборат бўлиб, устоз халфа гармон чалиб ашула айтган, доирачи унга жўр бўлган, раққоса қайроқ билан рақсга тушган. Бу тоифадаги халфалар халқ дostonлари, тўй қўшиқлари, лапар, ялла ва бошқа ижодкорлар асарларини гармон ва доира жўрлигида куйлашади. Яққа халфалар эса дoston қўшиқларини созсиз ижро этади.

Онажон халфа Собирова, Онабиби Қори (Ожиза) ва бошқалар ҳам талантли гармон чалувчилар бўлиб етишган.

XIX асрнинг охири – XX аср бошларида хивалик Шукуржон халфа (1851–1950), Шарифа халфа (1900–1972), Жони халфа (1870–1920), Анаш Маърам (1882–1917), Бибижон халфа Қосимова (1875–1920), хонқалик Дурхоним халфа Қурбондарозова (1881–1936), Қиш халфа Ҳасанова (1881–1948), Айитжон халфа Сафаева (1875–1955), Гулжон қори халфа (1874–1935), Ойша кулол халфа Искандарова (1880–1949), Ёкут халфа Вафоева (1844–1914), Шарифа Нўғой Оташева (1892–1960), Ўғил Нўғай Қурёзова (1859–1949), Ёкут халфа Сейтнийёзова (1903–1972) ва бошқаларнинг номи халқ орасида айниқса танилган эди. Халфалар Алишер Навоий, Махтумқули ва бошқа мумтоз шоирларнинг шеърларини куйга солиб, ўзлари ҳам хонлик замонидаги бой ҳамда амалдорларнинг халққа қилган жабру зулмини фош қилувчи кўшиқлар яратиб, унга куй басталаб, аҳоли орасида куйлаб юрган.

ХУЛОСА

Ўзбек мусика маданиятининг ажралмиш қисми бўлмиш халфачилик санъати фақат Хоразмгагина хос бўлган. Узидан чуқур фалсафий мазмун касб этиб, оддий ва халқчил оммавий санъат турига айланган. Сир эмас, Хоразм халфачилик санъати ва ижод йуналишлари тингловчини узига тараннум килади. Олдинлари Ожиза даврида куйлаган халфа аёллар кўшиқлари бугунда ёшлар томонидан ҳам ижро қилиниб келинмоқда.

Юқорида қайд этилганидек, Хоразм халфаларининг ижоди драма ҳамда театр санъатининг вужудга келишида ҳам муҳим ўрин тутган. Шу билан бирга халфачилик санъатининг Хоразм театри учун хотин-қиз актёрлар етиштириб берганлиги ушбу ижод турининг нақадар муҳим эканлигидан бизга далолат беради.

REFERENCES

1. Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз / Танланган асарлар. 8-жилд. – Т: Ўзбекистон, 2000. – Б. 243.
2. Дала ёзувлари. Хоразм вилояти, Хонқа тумани. Дисс. Мустакиллик йилларида Хоразм воҳаси халфачилиги. . 2018 йил июнь.
3. Дала ёзувлари. Урганч шаҳри. Дисс. Мустакиллик йилларида Хоразм воҳаси халфачилиги. 2018 йил июнь.
4. Дала ёзувлари. Хоразм вилояти, Урганч шаҳри. 2012 йил августъ.
5. Раззоқова Г. Қ. Хоразм халқ оғзаки ижодида Хоразм халфачилиги санъати тарихи // ILM SARCHASHMALARI Urganch-2020. Б- 179-182.



6. Раззоқова Г. Қ. Diniy xalfalarning Xorazm xalfachiligidagi oʻrni// Oʻtmishga nazar. 4 son 3 jild. Toshkent 2020 B- 89-96.
7. Раззоқова Г. Қ. ВОҲА АҲОЛИСИ ДАФН МАРОСИМЛАРИДА ХАЛФАЛАР ИШТИРОКИ ВА УЛАРНИНГ ФУНКЦИОНАЛ АҲАМИЯТИ // Oʻtmishga nazar. 4 jild 12 son. Toshkent 2021 B- 54-61.
8. Раззоқова Гўзал. ХАЛФАЧИЛИК АНЪАНАЛАРИНИ ЎРГАНИШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ International Conference on Developments in Education // Hosted from Toronto, Canada 2022, B-98-101
9. Razzokova Guzal Kadirovna FUNCTIONAL PROBLEMS OF KALPHA AT FUNERALS IN KHOREZM OASIS. International scientific and practical conference CUTTING EDGE-SCIENCE // August, 2020 Shawnee, USA Conference Proceedings, B-56-58
10. Гўзал Қодировна Раззоқова ХОРАЗМ ХАЛИФАЧИЛИГИ БИЛАН БОҒЛИҚ УРФ-ОДАТ ВА МАРОСИМЛАР // Academic Research in Educational Sciences Volume 3 | Issue 11 | 2022 B- 270-273

